



БОТИР ЗОКИРОВ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ НОМОЁНДАСИ

Халилов Жамшид Хамзаевич

Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти 2-курс
магистри

Аннотация. Бу мақолада мусиқа санъати ранг-баранг ўлмас анъаналарни ўз ичига қамраб олиши, унинг ижодий, услубий, маърифий ва ижро йўналишлари ҳам талайгиналиги келтирилган. Зеро мусиқа санъатида бевосита ижод ва мумтоз ижро аллақачон инсон руҳияти ҳамда маънавий хаётининг ажралмас қисмига айланган. Эстрада санъати ўз замонинг руҳини, муоммоларини, армонларини, дардини, шунинг билан биргаликда инсон орзу-умидларини намойиш этадиган восита сифатида пайдо бўлган. Асосан, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий маъросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти ҳақида фикрдар келтирилган.

Калит сўзлар. Мусиқа, санъат, ижодий мерос, эстрада санъати, репертуар, оркестр.

Abstract. This article shows that the art of music includes various immortal traditions, its creative, methodological, educational and performance directions are also considered. Because direct creativity and classical performance in the art of music have already become an integral part of human psyche and spiritual life. Pop art appeared as a means to show the spirit of its time, problems, dreams, pain, as well as human hopes and dreams. Mainly, people's artist of Uzbekistan Botir Zakirov expressed his opinion about the great importance of the artistic legacy of educating the young generation in the spirit of love and loyalty to the Motherland, national and universal values.

Keywords. Music, art, creative heritage, pop art, repertoire, orchestra.

Мустақилликни қўлга киритган Ватанимиз йигирма ўттиз икки йиллик давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, барча жабхаларда ривожланиш йўлидан бормоқда. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон айвонида ўз ўрнига эга бўлишида миллий санъатнинг ўзига хос аҳамияти салмоқли эканлиги шубҳасизdir. Янгиланаётган Ўзбекистонимизда олиб борилаётган эътиборга молик ишлар эса бунга ёрқин мисол бўла олади.



Эстрада мусиқаси таълими соҳасидаги муаммоларнинг долзарблиги хукуматимизнинг қарорлари билан белгиланади¹, уларда ўқув жараёнининг муҳимлиги ва қўлланаётган усуулларнинг аҳамияти таъкидланади. Шу ўринда давлатимиз раҳбари – президент Ш.М Мирзиёев ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллашда мусиқа санъатининг устиворлигини “Беш ташаббус”нинг биринчи бандида “ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиласи”² дея аниқлаб бердилар. Эстрада мусиқасининг оммавийлигини назарда тутиб, ёшларни юқори бадиий қийматдаги асарларга қизиқтириш, шу жумладан ўзбек эстрада санъатининг бадиий етук намуналарини ўрганишга тарғиб этиш мухим омил бўлиб хизмат қиласи.

Зокировлар сулоласининг мусиқа санъатидаги ўрни ва аҳамияти ўзбек миллий эстрада санъатида салмоқли улушга эга. Миллий эстрада санъатининг асосчиларидан бири, замонавий ўзбек мусиқа маданиятини дунё миқиёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга бекиёс хисса қўшган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий маъросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абалайлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги қарори Зокировлар сулоласига берилган алоҳида эътибор ва ўзбек миллий эстрада санъати ривожига қўйилган катта қадам деб хисоблашимиз мумкин. Бугунги кунда Зокировлар сулоласини ижодий фаолияти ва эстрада санъатимизда тутган ўрни ва уларни тарғиб этиш бўйича қатор илмий изланишлар, ижодий учрашувлар ва “Ботир Зокиров санъати давомчилари” Республика кўрик танловлари ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга илмий ишларда миллий эстрада санъатига эътибор қаратиб, Зокировлар сулоласининг ижодий фаолиятини назарий жиҳатларини ёритиб келаётган олимларимиз ҳам бор. Масалан Д.Муллажонов,

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 416 б.

² Газета.UZ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/04/03/5-tashabbus>



Д.Амануллаева, Н.Аманова, Г.Турсуноваларнинг туркум мақолаларида ва илмий қарашларида Зокировлар ижодий фаолитига оид фикрлар ҳам акс топган.

Ботир ва Луиза Зокироваларнинг эстрада қўшиқларини ҳусусиятларини ўрганиш, миллий эстрада санъатимизнинг асл илдизини ёритиб бериш миллий эстрада мусиқасини назарий ва амалий ўқитиш методологиясини кенгайтиришга ёрдам беради, бу эса мусиқа олий таълим тизимидағи талабаларининг ижро маҳоратларини ривожлантириш ва эстрада санъати тарихи бўйича билимларини кенгайтиради. Олинган маълумотлар миллий эстрада соҳасида кейинги изланишлар учун асос бўлиши мумкин, “Эстрада якка хонандалиги”, “Вокал ансамбли” каби фанларни ўзлаштиришда ва ижро дастурларини бойитишда хизмат қилиши мумкин.

Инсон нега куйга, қўшиққа ошуфта бўлади? Наво оғушида гоҳо бор йўқлигини ҳам унутиб қўяди. Куй қўшиқда қандай сеҳр борки, кўнгилда меҳр уйғотади. Ботир Зокировнинг қўшиқларини тинглаган инсон мана шу саволлар гирдобида қолади. Гоҳ миллий оҳангдаги қўшиқлардаги туғён, дардларни тингласак, гоҳо араб, эрон, ҳинд, ливан, мексиканча, итальян, суря қўшиқларини тинглаб меҳр-мухаббат у қай миллатдан бўлишидан қатъий назар инсон қалбига бир ҳил дард солишини аллаймиз. Ўзбек эстрадасининг асосчиси ва ёрқин юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти серқирра ижодкор Ботир Зокировнинг жаҳон мусиқа санъатида ўз ўрни бор. Тиниқ майин, мафтункор драматик тенор овоз сохиби бўлган бу улуғ санъаткор бетакрор қўшиқлари билан ўзига хайкал қўйиб кетган кам сонли хонандалардан ҳисобланади. Жорий йилда таниқли эстрада хонандаси ҳаёт бўлганда 85 ёшга тўлар эди.



Ботир Каримович Зокиров — атоқли ўзбек, совет хонандаси, рассом ва адабиётшунос. Ўзбек ССР халқ артисти (1965). Турли жанрларда қўшиқлар қуйлаган: ўзбек халқ қўшиқлари, ўзи басталаган қўшиқлар, ўзбек ва рус бастакорларининг қўшиқлари, шунингдек, хориж шлягерларини, асосан, асл кўринишида қуйлаган, зеро, бир нечта хориж тилларини билган.Халқнинг севимли санъаткори, уни ўзбек булбули дейишган. Нафақат она юртида, балки чет давлатларда ҳам ҳануз хотирлашади. Бугунги кунда ҳам кўз ўнгимизда ёш тимсолда гавдаланувчи хонанда. Унинг қўшиқлари ҳануз жаранглайди, қилган хайрли ишлари эса яшашда давом этмоқда.

Табиат уни серқирра иқтидор ила сийлаб, энг ёрқин қирраларни – ноёб овозни тақдим этган. У бор вужуди билан қуйлаган: опера ариялари, ўзбек халқ қўшиқлари, совет бастакорларининг қўшиқлари, хориж шлягерлари. Унинг овози радио ва телевиденияларда жаранглаган, концертлари ҳаваскорлари орасида катта шов-шувга сабаб бўлган, яккахон концертларида ортиқча қадам босишига жой бўлмаган. Хонанданинг бой репертуари ҳам ҳайратга солар эди. Ушбу репертуардан моҳирона ижродаги ўзбекча қўшиқларигина ўрин олмаган — ҳозиргача ҳеч ким унинг гўзал ва ифодали ижроси билан



рақобатлаша олмайди. 60-йиллар ўзбек эстрадасида айнан унинг ижросида итальян, француз, испан, рус, юон тилидаги қўшиқлар жаранглай бошлаган. Ботир Зокиров Ўзбекистон Давлат эстрада оркестрининг ташкилотчиларидан биридир. Ўзбек эстрада санъатининг ривожи унинг ижоди ила бошланган бўлиб, миллийлик мавзусига юзланган ўзига хос миллий чизгилари билан ажралиб туради. 1972 йил Ботир Зокиров Тошкент шаҳрида Шарқдаги илк Мусиқий-холлни яратиб, уни бошқарган, шунингдек, режисёри, бадиий раҳбари ва етакчи хонандаси ҳам бўлган. У шарқ фольклорини замонавий эстрада йўналишлари ила бирлаштириб, мусиқачилар ва кенг омма орасида унга бўлган қизиқиш уйғотишнинг уддасидан чиққан. Хонанда хали 30 ёшни қарши олмай, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов фармони билан Ботир Зокиров ўлимидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. Шунингдек, унинг энг катта мукофоти — бутун халқ муҳаббати ва улуғ хотираси бор.

Миллий эстрада санъатининг асосчиларидан бири, замонавий ўзбек мусиқа маданиятини дунё миқиёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга бекиёс хисса қўшган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий маъросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абалийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарори Зокировлар сулоласига берилган алоҳида эътибор ва ўзбек миллий эстрада санъати ривожига қўйилган катта қадам деб ҳисоблашимиз мумкин. Ботир Зокиров композиторлардан Икром Акбаровнинг "Ёр, кел", "Раъно", "Газли", "Қайдасан", "Сени эслайман", Мутал Бурҳоновнинг "Мафтун бўлдим", "Намедонам, чином дород", Сайфи Жалилнинг "Мажнун монологи", "Кечалари юлдуз санаб", Энмарк Солиҳовнинг "Куз келди яна" ва бошқа қўшиқларини куйлаб халқимизнинг эстрада санъатинига асос солган ва дурдоналар билан бойитган. Замонавий эстрада услубида қайта ишланган шарқу ғарб наволари санъаткорнинг довруғини жаҳонга янада кенгроқ



ёйди. Ҳиндча "Мейчале", "Нечун хаёлга чўмдинг", "Дил орзуси", эронча "Маро бебус", "Айрилиқ қўшиғи", ливанча "Гўзал", мексикача "Алвидо, муҳаббат", итальянча "Яшасин муҳаббат", сурияча "Ўтмишимга йиғлайман", мисрча "Араб тангоси" каби қўшиқларнинг ҳар бирини асл тилда, беназир ижро талқинида куйлаган. Ботир Зокировнинг муйқалам соҳиби сифатида чизган "Автопортрет", "Саратон", "Гумбазлар", "Болалик кўчаси", "Чор Минор" каби жами 200 дан ортиқ рангоранг асарлари шинавандаларга яхши таниш. Адабиёт ва шеърият соҳасида у бир қанча ҳикоя, очерк ва шеърлар, шунингдек, Икром Акбаров томонидан басталанган "Суғд элининг қоплони" операси учун либретто муаллифи бўлган. Киноактёр сифатида Ботир Зокиров ёш муҳандис ("Гуллар очилганда"), Рабиндрат Тагор ("Оловли йўллар"), Абдулло ("Даҳонинг ёшлиги") каби образларни яратишга муваффақ бўлган. Ботир Зокиров ижодига бағишлиланган "Менга қўшиқ чизиб бер", "Айтилмай қолган қўшиқ", "Ўша, ўтган кунлар" номли ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Машҳур хонанда ўзбек эстрада санъати довруғини собиқ Иттифоқ республикалари, Франция, Австралия, Германия, Куба ҳамда Африка қитъаси мамлакатларида кенг ёйди.

Санъат билан ўсиб келаётган ёш эстрада хонандаларини ижро малакаларини шакллантириш ва ижро дастурларини бойитишида хонанданинг бой ижодий меъроси мухим аҳамият касб этади. Ўзбек эстрада қўшиқчилигининг пойдевори ва асоси бўлган бу қўшиқлар ва уларда куйланган муҳаббат, садоқат, хижрон туйғулари талантли ва таниқли хонандалари Б.Зокиров, Л.Зокировалар томонидан маҳорат билан куйлананган. Бу қўшиқлар хозиргача ўз эстетик жозибасини йўқотмай хозирги қўштироқ ичидаги енгил елпи қўшиқларга намуна бўла олади. Чунки бу асарлар хақиқий ўзбекона миллий руҳ ва юрак билан яратилган ҳамда куйланган. Професионал эстрада жанрида ижод қилаётган биронта эстрада хонандаси йўқки Ботир Зокировнинг қўшиқларидан завқланмаган ва ижро дастурига киритмаган. Ҳозирги даврда мамлакатимизда эстрада санъатининг ривожланиши, ушбу жанрда жаҳон мусиқаси санъати эришган барча ютуқ ва тажрибаларга суюнган холда миллий эстрадамизни бойитиб, юқори поғоналарга кўтариш учун барча имкониятлар яратилган.



Мана шу имкониятлардан тўғри фойдаланиш учун, енг аввало, миллий меъросимизга мурожат эътишимиз, яъни эстрада санъатимизнинг пойдеворини қурган композитор ва хонандаларнинг ижодий фаолияти, ижрочилик анъаналари, бизга қолдирган мусиқий меъросини ўрганиш замон талаби ва авлодларимизнинг бурчидир. Ботир ва Луиза Зокировалар ижро этган эстрада қўшиқлари эса эстрада хонадаларини ижрочи ва ўқитувчи сифатида шаклланишларида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ти қарори.
2. Турсунова Г. Карим Зокирови его династия в контексте музыкальной культуры Узбекистана XX века. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация реферати.
3. Azamovna, Z. Z. (2022). From the History of Uzbek National Musical Art. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 3(12), 297-301.
4. Zakirova, Z. (2023). O'ZBEK MILLIY MUSIQASINING SHAKLLANISHI VA TARAQQIY ETISH BOSQICHLARI. Interpretation and Researches, 2(1)
5. Tashpulatova, D. K. K., & Jiyenbayeva, B. (2023). THE IMPACT OF LEARNING A LANGUAGE ON THE BRAIN FUNCTION. Academic research in educational sciences, 4(TMA Conference), 310-314.
6. Tashpulatova, D., & Siddiqova, I. (2021, April). A CRITIQUE OF THE VIEW OF ANTONYMY AS A RELATION BETWEEN WORD FORMS. In Конференции.
7. Тошпулатова, Д. Х. (2019). ПОНЯТИЕ И ВИДЫ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНЦЕПЦИЙ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ. АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНЦЕПЦИЙ. Вопросы педагогики, (7-2), 118-121.
8. ТАШПУЛАТОВА, Д. PRAGMATIC APHORISMS IN UZBEK AND ENGLISH FEATURE AND THE PRINCIPLES OF THEIR TRANSMISSION IN THE CORPUS. СООТНОШЕНИЕ ПАРАЛИНГВИСТИКИ И РЕЧЕВОГО ЭТИКАТА В РАЗНЫХ ЛИНГВОКУЛЬТУРАХ.